

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА МЕТОДИКА ВА АХБОРОТ МАРКАЗИ

Ўзбекистон давлат консерваторияси

**Ёш даврлари ва педагогик
психология**

(маърузалар матни)

«Муסיқа» нашриёти
Тошкент
2005

Ёш давлари ва педагогик психология фани бўйича мазкур маърузалар матни олий ўқув юртлари бакалавриати босқичида «Муסיқа таълими» ихтисослиги бўйича ўқиётган талабаларга мўлжалланган.

Тузувчи: педагогика фанлари номзоди,
профессор в.б. **Р.Ғ.Қодиров**

Масъул муҳаррир: санъатшунослик фанлари номзоди,
профессор Д.А.Муродова

Тақризчи: психология фанлари доктори,
профессор Э.Ғ.ҒОЗИЕВ

*Ўзбекистон давлат консерваторияси Илмий-методик кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилган*

К И Р И Ш

Ёш даврлари ва педагогик психология бўйича мазкур маърузалар матни олий ўқув юртлари талабалари ҳамда болалар тарбияси ва таълими соҳаси мутахассисларига мўлжалланган. Курс таркибида фаннинг умумий асослари, ривожланиш тарихи, назарий база, ривожланиш ва таълим олиш психологияси кўриб чиқилади, алоҳида ёш даврлари, шунингдек, таълим, тарбиянинг психологик хусусиятлари ва ўқитувчи психологияси таърифланади.

Мазкур маърузалар матнига «Ёш ва педагогик психология» /А.В.Петровский таҳрири остида, Э.Ғ.Ғозиевнинг «Психология» (Ёш даврлари психологияси) ва М.Г.Давлетшин, Ш.Дўстмуҳамедова, М.Мавлонов, С.Тўйчиеваларнинг «Ёш даврлари ва педагогик психология» ўқув қўлланмалари асос бўлиб хизмат қилди. Бўлажак мутахассисларни болалар билан ишлашга тайёрлаш – курснинг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади. Бола психологик ривожланишининг ёш хусусиятларини билиш тарбия ва таълим жараёнини аниқ, нисбатан оптимал йўлга қўйиш имконини беради.

Ёш даврлари ва педагогик психология курси қуйидаги бўлимлардан иборат:

1. Ёш даврлари ва педагогик психология фани
2. Ёш даврлари ва педагогик психология тарихидан
3. Психик ривожланиш ва таълим
4. Гўдаклик ва мактабгача ёшнинг психологик хусусиятлари
5. Кичик мактаб ёшида психик ривожланиш
6. Ўсмирларнинг психологик хусусиятлари
7. Эрта ёш психологияси
8. Таълим психологияси
9. Тарбия психологияси
10. Ўқитувчи психологияси

Кўрсатилган бўлимларнинг мавзулари аниқ, қисқа ва лўнда шаклда, психологик атамалар эса таржима ва тушунтиришлар билан берилган.

I БЎЛИМ

ЁШ ДАВРЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ ФАНИ ПРЕДМЕТИ

Ёш даврлари психологияси — психология фанининг инсон ривожланишининг ёш даврлари хусусиятларини ўрганувчи соҳасидир.

Унинг тадқиқот предмети — инсон психикасининг ёш билан боғлиқ ўзгаришлари, психик жараёнлар онтогенези (организмнинг индивидуал ривожланиши) ва ривожланаётган одам шахсиятининг психологик сифатлари. Ёш психологияси психик жараёнлардаги ёш хусусиятлари, билимларни эгаллашда ёш имкониятлари, шахс камолотининг асосий омиллари ва бошқаларни ўрганади. Ёш психологияси педагогик психология билан узвий боғлиқ.

Педагогик психология фани предмети — таълим ва тарбиянинг психологик қонуниятларини ўрганишдан иборат.

Ёш ва педагогик психология умумийлиги бола, ўсмир, ўспирин каби умумий ўрганиш объектлари билан изоҳланади. Ёш даврлари ва педагогик психология таълим ва тарбия жараёнида болани ўрганиш билан ўзаро узвий бирликни ташкил этади.

1. Ёш даврлари ва педагогик психология тарихидан

Тарбия ва таълимнинг ёш хусусиятларига боғлиқ жиҳатлари қадимги даврлардан буён ўрганилади. Ёш даврлари ва педагогик психология фан сифатида XIX асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Бу психология фанига генетик ғояларнинг кириб келиши билан боғлиқдир. Ривожланаётган психологик–педагогик фикрга машҳур рус педагоги К.Д.Ушинский ва, биринчи навбатда, унинг «Человек как предмет воспитания» («Инсон – тарбия предмети сифатида») деган асари катта ҳисса қўшган эди. Ёш психологияси фанининг ривожланишига инглиз олими Чарльз Дарвиннинг эволюцион ғоялари жиддий таъсир кўрсатди. Психология томонидан ўрганиладиган омилларининг рефлектор моҳиятини тушуниш учун психик фаолият аҳамиятини машҳур физиолог олим И.М.Сеченов ҳам таъкидлаб ўтган. Ёш ва педагогик психологияда Вебер ва Фехнернинг психофизик кашфиёти, Эббингаузнинг хотирага оид тадқиқоти, Г.Гельмгольцнинг сезги органларининг психофизиоло-гиясига оид иши, Вундт томонидан физиологик психология ҳиссиёти ва ҳаракатларининг ўрганилиши ва бошқалар асосий аҳамиятга эга.

XX аср бошида ёш ва педагогик психология соҳасида икки асосий: **биологик ва ижтимоий** йўналиш ажратилган.

Биологик, биогенетик йўналишга хос нарсa – туғма хусу-сиятлар, «ирсият»га йўналтирилиш, бола хулқи ва ривожланишини содда-механик тушунишга интилишдир. Бола ривожланишидаги ирсий омилларни ортиқча баҳолаш ва биогенетик қонуниятларни психологияга тўғридан-тўғри кўчириш мазкур йўналишнинг ўзига хос камчилиги бўлиб ҳисобланади. Психологиядаги биогенетик қонуният – Геккель томонидан XIX асрда шакллантирилган машҳур эволюция қонунларини ёш психологияси соҳасига кўчиришга уринишдир. Юмила она қорнидалигида бир ҳужайрали мавжудотдан инсон бўлгунга қадар барча ривожланиш давларини босиб ўтгани каби, бола ҳам инсоният тарихидаги асосий босқичларни қайта босиб ўтади. Шундай қилиб, бола босиб ўтадиган беш босқич ажратилган: ёввойилик даври, ов даври, чорвачилик даври, деҳқончилик даври ва саноат даври. Мазкур давларлаштиришга кўра, бола ёввойи ҳолда туғилади, барча босқичларни бирин-кетин босиб ўтиб, охирида унда пул, савдо, алмашилишга қизиқиш пайдо бўлади, яъни капиталистик тузум идеалига жавоб беради.

Биогенетик қонуният асосида боланинг психик ривожланиши **сиртки таъсир эмас, ички сабаб натижасида юзага келади** деган ғоя ётади. Тарбияга қарамай, у ташқи омил сифатида намоён бўлади, баъзи табиий, ирсий–шартли психик сифатларининг намоён бўлиш жараёнини секинлаштиради ёки тезлаштиради. Биогенетизм ўқитувчи, тарбиячиларсиз – «эркин тарбия» педагогик назарияси-нинг психологик асоси бўлиб қолди. Педагогик психологиядаги биогенетик йўналишнинг айриилмий механик хусусиятини педагог ва психологлар XX асрнинг 30-йилларида англаб етишди.

Педагогик психологиядаги **ижтимоий генетик** йўналиш ҳам хатолардан холи эмас эди. Турлича бўлиб туюлган бу назариялар кўп ҳолларда бир-бирига яқин. Бу йўналиш тарафдорларининг фикрича, муҳит бола ривожланишида фатал (тақдир) омил сифатида намоён бўлади ва шунинг учун ҳам инсонни ўрганиш учун унинг муҳитини таҳлил қилишнинг ўзи кифоя: ўраб турган муҳит қандай бўлса, инсон шахси батамом ўшандай бўлади.

Биогенетизм хулқ ривожланишини генетик мойилликнинг амалга ошишига тақаб, шахсият фаоллигини инкор қилгани каби, ижтимоий генетика ҳам ҳамма нарсани ижтимоий муҳитга тақаб, шахс фаоллигини инкор қилди.

Психологиядаги биогенетик ва ижтимоий генетик йўналишлар XX асрнинг 30-йилларидаёқ психолог ва педагоглар учун танқид объектига айланиб қолди.

На биогенетика ва на ижтимоий генетика боланинг психик ривожланиш манбалари ва механизмлари ҳақида тўғри ва тўла тасаввур бера олмасди. Бу вазифани **педология** номини олган махсус соҳа ҳам удалай олмаслиги маълум бўлди.

2. Педология танқиди

«ПЕДОЛОГИЯ» – («пайдос» – гўдак ва «логос» – фан) – болалар ҳақидаги фан демакдир.

Педология мазмунан бола ривожланишининг психологик, физиологик ва биологик концепцияларининг механик умумийлигини ташкил этади. XIX аср охири ва XX аср бошида пайдо бўлган (С.Холл, Э.Мейман, В.Прейер – Ғарбда, В.М.Бехтерев, А.П.Нечаев, Г.И.Россолимо – Россияда) эволюцион ғояларнинг психологияга кириб келиши билан педология XX асрнинг 30-йилларида болалар ҳақидаги ягона фан мавқеига даъвогарлик қила бошлади. У болалар ёши педагогикаси ва физиологиясини сиқиб чиқариб, болаларни ўрганиш ҳуқуқини монополизация қилиб олди.

Педологиянинг ғоявий ва механик йўриқлари, унинг антипсихологизми, ўқувчиларнинг «аклий қобилияти коэффициен-ти»ни асосланмаган тестлар билан аниқлашга уриниши психология ва педагогика ривожланишига салбий таъсир қилди ва мактабга кўп зарар етказди.

Бироқ бутун педологияни ялписига танқид қилиш бу соҳа олимлари эришган ижобий ютуқларни ҳам инкор қилишга олиб келди ва бутун ёш ривожланиши муаммосига нисбатан кўп ҳолда салбий муносабат уйғотди.

20-30-йилларда педагогик психология соҳасида бой тадқиқот материалларини ўз ичига олувчи кўп илмий ишлар амалга оширилди. Бу тадқиқотлар: Н.К.Крупская (танланган асарлар), А.С.Макаренко-нинг бола шахси ва болалар жамоаси бўйича қарашлари тизими (у қаровсиз қолган болалар учун мўлжалланган болалар коммунаси раҳбари бўлган), Л.С.Виготский ва унинг олий психик функциялар ривожланиши назарияси. Шунингдек, психолог олимларнинг XX аср иккинчи ярмидаги ишлари – Б.Г.Ананьев, Л.И.Божович, П.Я.Гальперин, В.В.Давидов, А.В.Запорожец, Л.В.Занков, Г.С.Костюк, Н.А.Мен-чинская, Н.Ф.Тализина, Д.В.Эльконин ва кўплаб бошқа олимларнинг ёш ва педагогика психологияси соҳасида амалга оширган ишлари ҳам шу жумладан. Бу масала шунингдек, Ўзбекистон психолог олимлари томонидан ҳам тадқиқ этилмоқда.

II БЎЛИМ

ПСИХИК РИВОЖЛАНИШ ВА ТАЪЛИМ

1. Психик ривожланиш шартлари

Инсон психикаси доимо ривожланишда. Бола инсоният тарихи давомида жамғарган тажрибаларни ўзлаштириши жараёнида ривожланади. Бу жараён катталар томонидан доимий назорат, яъни таълим шароитида амалга ошади.

Таълим боланинг психик ривожланиши жараёнида белгиловчи роль ўйнайди. Таълим табиий истеъдод, ижтимоий муҳит ва у ёки бу ёш учун самарали, тушунарли таълим усулларига асосланади. Шундай қилиб, шу нарсани кўриш мумкинки, гўдакликда кўргазмали-ҳаракатли фикрлаш, кейин эса кўргазмали-образли, оғзаки-мантикий, мавҳум, умумий назарий фикрлаш турлари пайдо бўлади.

Ривожланиш жараёнида фақат билим ва ҳаракат усуллариининг ўзгариши, мураккабланиши содир бўлмайди. Боланинг психик ривожланиши унинг бутун шахсидаги ўзгаришлар, яъни шахснинг умумий хусусиятлари ривожланишини ўз ичига олади. Ривожланиш динамикасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) бола шахсини йўналтиришдаги умумий хусусиятлар (ўқиш, англаш, атрофдагилар билан муносабат), 2) фаолиятининг психологик тузилиши хусусиятлари (мотив, мақсад, объект) ва 3) англаш механизмининг ривожланиш даражаси.

Шундай қилиб, боланинг бутун ривожланиш жараёнини уч қисмга бўлиш мумкин: 1) таълим жараёнида билим ва фаолият усуллариининг ривожланиши, 2) эгалланган усулларни татбиқ этиш механизмларининг психологик ривожланиши, 3) шахс умумий хусусиятларининг ривожланиши (йўналтирилганлик, фаолиятнинг психологик тузилиши, англаш ва фикрлаш). Кўрсатилган ривожланиш йўллариининг ҳар бири ўзига хос. Бу йўлларнинг барчаси ўзаро боғлиқлик ва фақат биргаликдагина **психик ривожланиш** деб аталувчи шахсдаги ўзгаришлар жараёнини ташкил этади.

2. Таълим ва тарбия жараёнида бола психик ривожланишининг асосий йўллари

Инсон психик ривожланишининг ижтимоий шартлилиги ривожланиш жараёнини билим ва кўникмаларнинг оддий тўпланиб боришига боғлаш мумкинлигини англатмайди. Инсон психик ривожланишининг ижтимоий табиатини ҳисобга олиш мазкур жараённинг мураккаблиги ва кўпқирралилигини тушуниш имконини беради, чунки фақат шундай ёндашувдагина ривожланиш у ёки бу алоҳида вазифаларнинг миқдорий ортиши эмас, аксинча инсоннинг умуман ривожланиши сифатида намоён бўлади.

Таълим ва психик ривожланиш мазмуни. Билим ва фаолият услубининг мураккабланиши таълим жараёнида болалар ривожланишининг асосий ва белгиловчи томонини ташкил этади. Масалан, швейцариялик психолог Ж.Пиажа ўзи олиб борган тадқиқотлар асосида таъкидлашча, 7-8 ёшдан кичик болалар рақам билан боғлиқ фаолиятга қодир эмас. Шунингдек, боланинг психик ривожланишига таълим мазмунининг ўзгариши ва унинг

таъсири ҳақида Л.А.Венгер, П.Я.Гальперин, Д.Б.Эльконин, В.В.Давидов ва бошқалар ёзган.

Усул ва билимларни қўллаш психологик механизмларининг ривожланиши. Фаолиятнинг умумий тури аниқлангач, болалар томонидан айтилган усуллар турли даражада қўлланилиши мумкин. Ўқувчилар фаолиятнинг нисбатан юқори шакллари ва турларига (шунингдек, ақлий) масалан, аниқ ва абстракт билимларни боғлай олиш ва ўзаро нисбатини аниқлай билишга ўргатилиши лозим.

Шахс умумий хусусиятларининг ривожланиши. Ривожланиш жараёнида фақат билим ва фаолият усуллариининг ўзгариши ва мураккаблашиши содир бўлиб қолмайди. Боланинг психик ривожланиши унинг бутун шахсидаги ўзгаришларни, яъни шахс умумий хусусиятларининг ривожланишини ўз ичига олади. Ривожланиш жараёнида болалар психик фаолиятининг турли жиҳатлари ўзгаради, усуллар йиғилиши ва ўзгариши содир бўлади. Бола кўп миқдордаги турли ҳаракатларни бажара олади, билим ва тасаввурлари ўзгаради. Мазкур ўзгаришлар ичидан нисбатан умумий ва белгиланган ўзгаришларни ажратиб кўрсатиш мумкин бўлади. Улар қуйидагилар:

1. Боланинг шахсий йўналтирилганлик хусусиятини умумий ривожланиши. Унга уч турли киритиш мумкин: а) таълимий йўналганлик (яхши ўқиш, яхши баҳо олиш), б) билим олишга йўналганлик (масалаларни ҳал этиш, янги вазифалар олиш), в) атрофдагилар билан муносабат.

Шундай қилиб, шахсий йўналганликни ҳисобга олиш мактаб ўқувчилари таълими (билим ва усулларни эгаллаш) ва тарбиясини (шахсият ривожланиши) янада самарали амалга ошириш учун биринчи ва зарур шартдир.

2. Фаолият психик тузилишининг ривожланиши (мотив, мақсад, объект). Масалан, мактаб ўқувчилари боғчага совға учун арча ўйинчоқларини тайёрлашади. **Мотив** – турлича (болакайлар кўнглини олиш, ўқитувчи талабини бажариш, жараённинг ўзидан қониқиш). **Мақсад** – арча учун ўйинчоқлар тайёрлаш. **Объект** – ўйинчоқлар тайёрланадиган материаллар.

Ар қандай фаолият ўз ичига қатор унсурларни (мотив, мақсад, объект) олади. Ўсимли биргаликда фаолият тузилишининг ўзига хос хусусиятини яққол кўрсатиб беради.

3. Онг механизмининг ривожланиши. Бу фикрий фаолиятнинг кўргазмали-ҳаракатли, кўргазмали-образлидан абстракт, назарийга ўзгаришидир. Болада тушунчалар ва тушунчалар тизими мунтазам шаклланиб боради. Боланинг англаш ва фикрлашининг ривожланиши даражаси қанча юқори бўлса, у ўзлаштирган, фойдаланаётган тушунчалар шунча мураккаб бўлади.

Шу тарзда, умумий ҳолда бола психик ривожланиши жараёнини уч асосий йўналишга бўлиш мумкин: 1) таълим жараёнида билим ва фаолият

усулларининг ривожланиши, 2) ўзлаштирилган усуллар қўллаш психологик механизмларининг ривожланиши, 3) шахснинг умумий хусусиятларининг ривожланиши.

3. Таълим жараёнида болалар ривожланишининг педагогик шартлари ва қонуниятлари

Билим, уни қўллаш механизмлари ва шахс умумий хусусиятлари ривожланишининг педагогик шартлари таълим жараёнида болалар ривожланишининг умумий қонуниятларига боғлиқ. Бола психик ривожланишининг турли тарафлари учун алоҳида, аниқ педагогик шартларни ҳам инобатга олиш муҳим. Ўқиш жараёнида ўқувчилар турли ўқув предметлари бўйича билим ва ҳаракат усулларини эгаллайдилар. Ўқишнинг ҳар хил турлари бўйича янги билим ва маҳоратларни эгаллаб бориш билан бир қаторда бу шартлар билан мувофиқ равишда бола психикаси ҳам ривожланиб боради.

4. Ёш бўйича ривожланишнинг даврийлаштирилиши

Ёшнинг умумий хусусияти. Ёр бир ёшдаги психик ривожланиш алоҳида сифат босқичига эга.

Ёш хусусиятлари кўплаб шартлар мажмуи билан белгиланади. Бу - бола ҳаётидаги ҳар бир босқичда унга қўйиладиган талаблар системаси, атрофдагилар билан муносабат, у эгаллаётган билим ва фаолият тури ҳамда бу билимларни эгаллаш усуллари. Ёш хусусиятини аниқловчи шартлар мажмуига боланинг жисмоний ривожланиши хусусиятлари ҳам киради (масалан, гўдакликда маълум бир морфологик шакл ҳосил қилувчи маълумотларни эгаллаш, ўсмирликда организмнинг ўзгариш хусусиятлари ва бошқалар).

Ёш даврларида ривожланишнинг асосий ўзгариш механизмлари. Ёш даврларини аниқлаш атрофдагиларга муносабатларнинг ривожланиш даражаси билан билим, усуллар, қобилиятлар ривожланиши даражаси ўртасидаги алоқани белгилаб беради. Мазкур икки тараф орасидаги муносабатларнинг ўзгариши кейинги ёш босқичларига ўтишнинг муҳим ички асоси («ҳаракатлантирувчи куч»)ни ташкил этади.

Бола яшаш шароити, тарбия ва таълим олиш шароитининг ўзгартирилиши ривожланишнинг ёш даврлари алмашинувини белгиловчи муҳим омилдир.

Сўнгги вақтларда ёш ва педагогик психологияда кўпроқ педагогик мезонларга асосланган даврлаштириш қўлланилмоқда.

Мактабгача ёш

- 1) Гўдаклик (3 ёшгача) – ясли;
- 2) Боғчанинг кичик гуруҳи – уч ёш;
- 3) Боғчанинг ўрта гуруҳи – тўрт ёш;
- 4) Боғчанинг катта гуруҳи – беш ёш;
- 5) Боғчанинг тайёрлов гуруҳи – олти ёш.

Мактаб ёши

- 1) Кичик (1-4-синф) – бошланғич мактаб – 7-10 ёш;
- 2) Ўрта (5-9-синф) – ўрта мактаб – 11-15 ёш;
- 3) Катта(10-12-синф) – академик лицей ёки махсус таълимда – касб-хунар коллежлар – 16-18 ёш.

III БЎЛИМ

ГЎДАКЛИК ВА МАКТАБГАЧА ЁШНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Гўдакликдаги психологик ривожланиш асослари ва хусусиятлари

Чақалоқлик (туғилганидан бошлаб бир-икки ойликкача). Бола кўпчилик жониворларнинг боласига қараганда анча ожиз туғилади. У нисбатан чекланган хулқ-атвор, ташқи оламга мослашишнинг муқаррар-рефлектор шакллари жамғармасига эга бўлади. Ту\ма хулқ-атвор шакллариининг камлиги бола кучсизлигини эмас, кучини ташкил этади – у деярли чексиз ақлий ривожланиш, хулқ-атворнинг янги шаклларига эга бўлишнинг янги тажрибаларини ўзлаштириш имконига соҳиб бўлади. Чақалоқ ривожланишининг фарқли хусусиятлари шуки, унинг анализаторлари фаолияти соматик (жисмоний) ҳаракатларга қараганда тезроқ шаклланади. Шу асосда муносабат рефлекс ривожланади ва хилма-хил шартли рефлектор алоқалари шакллана бошлайди. Чақалоқлик даври охири ва гўдакликнинг бошланишида «тетикланиш комплекси» - катталарнинг пайдо бўлишига муносабат билдириш пайдо бўлади.

Гўдакликда (бир-икки ойликдан бир ёшгача) гўдак тўлалигича катталарга боғлиқ бўлади (уни овқатлантиришади, ювинтиришади, йўргаклашади, ағдариб қўйишади, қўлга олишади, сайр қилдири-шади, аллалашади, гапиришга, юришга ўргатишади ва ҳ.к.). Ёаётининг биринчи йили сўнгига келиб гўдак айрим сўзларни тушунади ва илк сўзларни айта бошлайди.

Тасодифан одамлар даврасидан чиқиб қолган инсон боласи ўз ривожланишида инсоний имкониятлар даражасигача кўтарила олмайди. Фақат ижтимоий муҳит ва таълим натижасидагина болада инсонларча ҳис қилиш ва фикрлашга қодир шахсият шаклланади. Гўдаклик сўнгида болалар катталарга тақлид қила бошлайдилар. Мақсадли ҳаракат ва тақлид интенсив ривожланаётган интеллектдан (ақлий фаолиятдан) далолат беради. Бола ҳаракат жараёнида, ўзининг ва бошқаларнинг ҳаракатларига тақлид қилиб, фикрлашга ўрганади.

2. Илк болалик ёши тавсифи

Илк болалик ёши (бир ёшдан уч ёшгача). Кўпчилик психологлар туғилгандан вояга етгунга қадар инсоннинг психологик ривожланиш йўлининг ўртаси 3 ёш деб ҳисоблашади. Уч ёшли бола ўз-ўзига хизмат қила олади, атрофдаги одамлар билан ўзаро муносабатга киришишни билади. Бунда у оғзаки мулоқот қилишни билади, унда хулқ-атворнинг энг оддий шакллари шаклланади. Бола уч ёшда етарлича фаол ва атрофдагиларга тушунарлидир. Унинг характери ва темпераменти хусусиятлари аллақачон намоён бўла бошлайди. Л.Н.Толстой шундай дейди:

*Беш ёшдан то менгача – бир қадам,
Туғилишдан беш ёшгача – абадиятдир.
Юмиладан туғилишгача – гирдобдир,
Йўқликдан ҳомилагача – мавҳумликдир.*

Боланинг психик ривожланишига тўғри юришга ўрганиш сезиларли таъсир кўрсатади. Локомоция («локо» - жой, «моция»-ҳаракат) дастури ҳали шакланмаган, шунинг учун бола доимо мувозанатини йўқотади. Ҳаракатлана олиши қобилияти туфайли бола ташқи дунё билан нисбатан эркинроқ ва мустақамроқ мулоқот қилиш даврига кириб келади. Мушак ҳисси масофани ҳисоблаш ва буюмларнинг макондаги жойлашувини аниқлаш мезонига айланади. Боланинг психик ривожланишига предметлар ҳаракати сезиларли таъсир кўрсатади. Нарсалар, предметлар моҳияти бола томонидан болалик даврида эгалланади. Болалик охирида (ҳаётнинг учинчи йилида) янги фаолият турлари (расм чизиш, куйлаш, ҳайкалтарошлик, лойихалаштириш) юзага кела бошлайди.

Предметли фаолиятда белгиланган таассуротларнинг тўпланиши бола нутқининг ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Фақат сўз ортида реал дунё образлари тургандагина бу сўзнинг ўзлаштирилиши муваффақиятли кечади. Агар бола, маълум бир сабабга кўра, бу ёшда нутқ ривожланиши учун зарур шарт-шароитдан маҳрум бўлса, унда йўқотилган имконият ўрнини тўлдириш охир-оқибат жуда мураккаб бўлиб қолади, чунки бу ёш нутқ

ривожига нисбатан сензитив (сезгир)дир: айнан мана шу пайтда нутқ ўзлаштирилиши анча самарали кечади.

Илк болалик ёши – болада фаол нутқ шаклланиши давридир. Бир ярим ёшгача бола 30-40 тадан 100 тагача сўз ўзлаштиради, иккинчи йил охирида бола 300 тагача, учинчи йил охирида эса 1500 тагача сўз ишлатади.

Нутқ ривожланиши она тилининг товуш хусусияти ва грамматик тузилишини эгаллашни тақозо этади. Дастлаб бола нутқни сўзнинг умумий ритмик-мелодик (тезлик, оҳанг) тузилишини илиб олиш йўли билан қабул қилса, иккинчи йил охирига келиб у она тилининг барча товушларини фонематик қабул қиладиган бўлади ва шу асосда луғат ва сўзларни тўғри талаффуз қилишни ўрганади. Фаол нутқнинг шаклланиши боланинг бутун психик ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Илк болаликдаги ақлий ривожланиш. Болалик аввалида бола атрофидаги предметлар хусусиятини, предметлар орасидаги энг оддий алоқаларни илғайди ва улардан фойдалана бошлайди. Бу предметли фаолият, оддий элементар ўйин шакллари, расм чизиш, нутқни эгаллаш билан боғлиқ равишда рўй берувчи кейинги ақлий ривожланиш учун асос бўлади. Болаликда ақлий ривожланиш асосини болада шаклланаётган идрок этиш ва фикрлаш ҳаракатларининг янги турлари ташкил этади. Бу ёшда автодидактик, ўзи ўргатувчи ўйинчоқлар (матрёшкалар, қутичалар, кубчалар, мозаика ва бошқалар) болани тез ривожлантиради.

Кўриш билан бирга болаликда эшитиш орқали қабул қилиш ҳам ривожланади. Айниқса фонематик эшитиш жадал ривожланади. Одатда, иккинчи йил сўнгида болалар она тилининг барча товушларини қабул қилади. Бироқ фонематик эшитишнинг мукаммаллашиши кейинги йилларда ҳам рўй беради.

Фикрлаш ривожи учун воситали ҳаракатлар жуда муҳим. Восита боланинг предмет дунёсига таъсир қилишига хизмат қилади. Бола энг катта тажрибани катталар билан нутқий мулоқот натижасида қабул қилади.

Иаётнинг учинчи йилида бола ақлий ривожланишида муҳим силжиш содир бўлади – онгнинг **белгили** (ёки рамзий) функцияси шакллана бошлайди. У бир объект ўрнини босувчи сифатида бошқа бир объектдан фойдаланиш имкониятидан иборат. Бунда предметлар билан эмас, балки уларнинг ўрнини босувчилар билан ҳаракат амалга оширилади.

Турли белгилар ва уларнинг тизимидан фойдаланиш – инсон психикасининг ўзига хос энг характерли хусусияти. Белгиларнинг ҳар қандай тури (тил, математика рамзлари, сурат ва мусикада моҳирона ифодаланган дунё ва ҳ.к.) одамлар орасидаги мулоқот учун хизмат қилади, предмет ҳамда ҳодисалар вазифасини бажаради ва англади. Эрта ёшда белгили функция дастлаб амалий фаолият билан боғлиқ равишда ривожланади ва фақат кейинчалик сўзлардан фойдаланишга ўтилади.

Бола ва катта ёшдаги одам. Онтогенезда катталар билан мулоқот болаларда бирданига пайдо бўлади, анча кейин эса боланинг тенгдошлари билан муносабат ўрнатилади.

3. Болалар ва катталар.

Бола шахси шаклланишининг дастлабки босқичи

Дастлаб бола бутунлай катталарга боғлиқ бўлади. Тенгдошлар билан ўзаро муносабатлар кўп жihatдан катталарнинг бола билан ўзаро муносабати хусусиятига боғлиқ. Катталарга эргашиб болалар ўзини исми билан атай бошлайдилар. Иккинчи йил охирига келиб ўзини исми билан чақириш «мен» кишилиқ олмоши билан алмашинади. «Мен» тизими – эрта болаликда (Л.И Божович) пайдо бўлувчи марказий ҳодисадир. Бола ўзини катталардан ажратишни ўрганади, ўзига нисбатан мустақил «мен» сифатида муносабатда бўла бошлайди, яъни унда ўзини англашнинг бошланғич шакли пайдо бўлади.

Ривожланишдаги муваффақиятлар бола хулқ-атворини ўзига хос тарзда ўзгартиради. Катталар аввалгидек етакчи ўрин тутса-да, бола ўз амалий ҳаётининг тор муҳити ва у қадар катта бўлмаган имкониятлари доирасида катталар ёрдамисиз ҳаракат қилишга интилади. Янги тенденциялар бола фаоллигини («мен ўзим») кучайтиради ва катталар билан янги муносабатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу давр танқидий давр («уч ёш танглиги, кризиси») деб аталади, яъни катталар болалар билан муносабатда янги қийинчиликларга дуч кела бошлайдилар. Бунда бола ўзининг негативизми ва қайсарлиги билан бардош бериб бўлмас даражага етиши мумкин.

Уч ёш танглиги ўткинчи ҳодиса, лекин унинг натижаси – бошқалардан ўзини ажрата билиш, бошқа одамлар билан ўзини таққослаш боланинг психик ривожланишида муҳим қадамдир. Катталардай бўлишга интилиш фақат ўйин шаклидагина нисбатан тўлиқ ечимини топиши мумкин (фақат ўйинда бола дўконга бориши, тушлиқ тайёрлаши, ракетада космосга уча олиши мумкин). Шунинг учун ҳам уч ёш танглиги боланинг ўйин фаолиятига ўтиши билан ҳал этилади.

4. Боланинг мактабгача ёшда ривожланишининг психологик хусусиятлари

Мактабгача болаликда (3 ёшдан 7 ёшгача) организмнинг жадаллик билан вояга етиши давом этади. Айниқса, иккинчи сигнал системаси жадал ривожланади. Болада оддий мажбуриятлар мажмуи пайдо бўлади.

Болада тенгдошлари билан маълум бир муносабатларнинг юзага келиши, «болалар жамияти»нинг шаклланиши мактабгача ёшнинг муҳим хусусияти бўлиб ҳисобланади. Мактабгача ёшдаги боланинг бошқа одамларга ички

позицияси ўз «мен»и ва ўз ҳаракатлари аҳамиятини тобора англаб бориши, катталар дунёсига, уларнинг фаолияти ва ўзаро муносабатига катта қизиқиши билан характерланади.

Мактабгача ёшдаги боланинг ривожланиши ижтимоий вазияти хусусиятлари унга хос бўлган фаолият турлари, айниқса, сюжетли-ролли ўйинларда акс этади. Зарур билим ва қобилиятларсиз катталар дунёсига яқинлашишга уриниш болани унинг учун имкони бўлган ўйин шаклига олиб келади. Бола ривожланиши учун мактабгача муассасалар тизими, айниқса, боғча яхши шароит яратади. Амалиёт шуни кўрсатадики, психик ривожланиш ва мактабда ўқишга тайёргарлик даражаси болалар боғчасида тарбияланган болаларда боғчага бормайдиган болаларга нисбатан юқори.

Мактабгача ёшда сенсор идрок, айниқса, кўриш ва эшитиш орқали қабул қилиш сезиларли ривожланади. Бола онгли равишда расм чизади ва муסיқий фаолиятда иштирок эта бошлайди. У унга қандай сурат ёки муסיқа ёқишини, қайсилари ёқмаслигини айтиши мумкин. Бироқ у ҳали муסיқани тўлиқ ва дифференцияланган ҳолда қабул қилмайди.

Мактабгача ёшдаги бола ривожланишида бу ёшнинг асосий фаолият тури бўлиб ҳисобланган ўйин жуда муҳим аҳамиятга эга. Ўйин ўзининг барча тур ва кўринишларида (сюжетли, ролли, қоидали, нутқий, бадий, муסיқий ва бошқалар) боланинг жисмоний, эшитиш, ақлий, эстетик ривожланишига фаол ёрдам беради.

IV БЎЛИМ

КИЧИК МАКТАБ ЁШИДА ПСИХОЛОГИК РИВОЖЛАНИШ

1. Кичик мактаб ёшининг умумий тавсифи

Кичик мактаб ёши (7-11 ёш) – 1-4 синф (бошланғич мактаб)га тўғри келади. Мактабгача ёш билан таққослаганда асосий фаолият тури ўқиш ҳисобланади. Асосий фаолият турининг алмашинуви боланинг психологик ривожланишига ҳам таъсир этади. Ёр қандай ўтиш ёши каби, бу ёш ҳам ўз вақтида илғаш ва қўллаб-қувватлаш зарур бўлган ривожланишнинг яширин имкониятларига бой.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчисининг жисмоний хусусиятлари қуйидагилардан иборат: умуртқа поғонасининг барча букумлари шаклланади, скелетнинг суякланиши ҳали якунланмайди, 1-2-синф ўқувчилари тез чарчайди (айниқса, ёзма ишларда), юрак мушаклари қон билан яхши таъминланади, бош мия, айнақса, бошнинг пешона қисми катталашади.

Мактаб ҳаётининг биринчи босқичи учун шу нарса характерлики, бола синфдаги ва уйдаги ҳулқини назорат қилувчи ўқитувчининг янги талабларига бўйсунди, шунингдек, ўқув фанларининг мазмунига қизиқа бошлайди.

Биринчи синф ўқувчилари бошдан кечирадиган уч асосий қийинчилик бор: қийинчиликнинг биринчи тури янги мактаб режими билан боғлиқ (ўз вақтида уйғониш ва туриш керак, дарс қолдириш мумкин эмас, барча дарсларда жим ўтириш талаб этилади, уй вазифаларини бажариш лозим ва бошқалар). Иккинчи тур қийинчилик ўқитувчи, синфдошлар ва оиладаги ўзаро муносабатлар хусусиятидан келиб чиқади. Қийинчиликларнинг учинчи тури – ўқув йили ўрталаридан ўқув материали ошиб боради.

Мактабга қадам қўйиш билан бола ҳаётида муҳим психологик ўзгаришлар содир бўлади. У янги режимнинг айрим муҳим одат-ларини ўзлаштиради, ўқитувчи ва ўртоқлари билан ишончли муносабатлар ўрнатади. Ўқув материали мазмунига нисбатан пайдо бўлган қизиқиш асосида унда ўқишга бўлган ижобий муносабат мустаҳкамланади.

2. Кичик ёшдаги ўқувчининг ўқув фаолияти

Ўқув фаолиятининг мазмунини илмий тушунчалар, фан қонуниятлари ва уларга таянган амалий масалаларни ҳал этиш услуби ташкил этади. Шундай қилиб ўқиш – бу билим, малака ва кўникмаларга эга бўлишга йўналтирилган жараён.

Ўқув фаолияти аниқ бир тузилишга эга. Унинг таркибий қисмлари қуйидагилар: 1) ўқиш вазияти (ёки вазифалари), 2) ўқиш ҳаракати, 3) назорат, 4) баҳо.

Кичик мактаб ёши давомида болаларнинг ўқишга муносабатида муайян динамика кузатилади. Дастлаб улар ўқишга умумий ҳолда ижтимоий фаолият сифатида интилишади. Кейин эса уларни ўқув ишининг алоҳида усуллари жалб этади. Ниҳоят, бола ўқув фаолиятининг ички мазмунига қизиқиб, ўқув-назарий вазифаларни аниқ-амалий вазифаларга мустақил ўзгартиради. Унинг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш замонавий болалар ва педагогика психологияси вазифаларидан биридир.

3. Кичик ёшдаги ўқувчиларда англаш жараёнининг ривожланиши

Идрок ривожи. Жисмоний жараёнлар ривожланиши бутун кичик мактаб ёши давомида амалга ошади. Гарчи болалар мактабга етарли ривожланган идрок билан келишса-да (уларда кўриш, эшитиш ўткирлашади, улар турли шакллар ва ранглари яхши фарқлайдилар), уларнинг ўқув фаолиятидаги идроки фақат шакл ва ранглари ўрганиш ва англашдан иборат бўлади. Биринчи синфда қабул қилинган предметлар таркибий қисми ва хусусиятларининг тизимли таҳлили мавжуд эмас. Боланинг идрок этилган предметларни таҳлил қилиш ва фарқлаш имконияти унда шунчаки ҳис этишдан кўра мураккаброқ фаолият турининг шаклланиши билан боғлиқ. **Кузатиш** деб аталган фаолият тури мактабда ўқиш жараёнида жуда интенсив равишда шаклланиб боради, кейинчалик идрок бирор мақсадга қаратила боради.

Бола кузатувчанлиги ҳақида шахснинг алоҳида хусусияти сифатида гапириш мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бошланғич таълимда кичик ёшдаги ўқувчиларнинг барчасида бу муҳим ҳислатни сезиларли ривожлантириш мумкин.

Диққатнинг ривожланиши. Мактабга келувчи болалар мақсадли диққатга эга бўлмайдилар, улар асосан бевосита ўзлари учун қизиқ бўлган, ёрқинлиги ва ноодатийлиги билан ажралиб турувчи (ихтиёрсиз диққат) нарсаларга эътибор берадилар. Мактаб биринчи кунданок боладан уни қизиқтирмайдиган нарсаларни кузатишни ва маълумотларни ўзлаштиришни талаб қилади. Бола аста-секин диққатини ташқи томондан жалб этувчи нарсаларга эмас, керакли нарсаларга йўналтириш ва қатъий сақлашни ўрганиб боради. 2-3-синфда кўпчилик ўқувчилар аллақачон ихтиёрий диққатга эга бўладилар. Ихтиёрий диққат, уни у ёки бу масалага мақсадли йўналтириш – кичик мактаб ёшининг муҳим ютуғидир.

Кичик мактаб ёшида диққатнинг ривожланиши ихтиёрсиз ва ихтиёрий диққатнинг алмашинувига, унинг ҳажми кенгайишига ва турли ҳаракат турлари ўртасида диққатни тақсимлай олишга боғлиқ.

Хотиранинг ривожланиши. Етти ёшли бола асосан ташқи томондан ёрқин ва эмоционал жиҳатдан таъсирли воқеа, тасвир, ҳикояларни эслаб қолади. Лекин мактаб ҳаёти шундайки, бошиданок болалардан материални ихтиёрий эслаб қолиш талаб этилади. Ўқувчилар кун тартиби, ахлоқ қоидалари, уй вазифаларини махсус эслаб қолишлари, кейин эса уларга риоя этишлари лозим.

Ўқув материални эслаб қолиш алоҳида билимни талаб этади. Усиз ўқув хотираси заиф ва тартибсизлигича қолаверади. Ўқувчи махсус аниқлаш, гуруҳлаш ва таққослашни талаб этувчи нарсани бевосита эслаб қолишга ҳаракат қилаётганида бу «ёмон хотира» панд беради. Ўқув materiali билан ишлаш усулларининг шакл-ланиши «яхши хотира»ни янада самаралироқ тарбиялаш йўли сифатида намоён бўлади. Бу жараёнда нутқ устида ишлаш каби хотиранинг ихтиёрий ва ихтиёрсиз турларидан оқилона фойдаланиш лозим. Аниқ бир материал билан ишлашда ҳам шундай.

Тасаввурнинг ривожланиши. Тасаввур қобилиятининг ривожланиши икки босқичда кечади. Дастлаб яратилувчи образлар реал объектга яқин тавсифланади (деталларга бой бўлмаган ҳолда). Иккинчи синф охири, кейин эса учинчи синфда иккинчи босқич бошланади. Аввало, аломатлар ва таркибий қисмлар миқдори сези-ларли тарзда ошади.

Яратувчи (репродуктив) тасаввур кичик мактаб ёшида барча машғулотларда ривожланади. Кичик мактаб ўқувчиларининг бирор предметнинг келиб чиқиши ва қурилиши шарт-шароитини кўрсатишга ҳаракат қилиши - уларда ижодий (продуктив) тасаввур ривожланишида муҳим психологик асосдир.

Фикрлашнинг ривожланиши. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари фикрлашнинг ривожланишида икки асосий босқич куза-тилади. **Биринчи босқичда** (1-2-синф) фикрлашда **кўргазмали-ҳаракатлилик** устунлик қилади, уни яна **амалий-ҳаракатлилик ёки ҳиссийлик** деб ҳам аташади. Бу босқичда болаларнинг нарсаларни умумлаштириши предметларнинг яққол белгилари таъсири остида рўй беради. Фикрлаш ривожланишининг **иккинчи босқичи** (3-синф) ўқувчилар томонидан тушунчаларнинг алоҳида хусусиятлари орасидаги ўзаро муносабатни билиб олиш, яъни таснифлашга (масалан, «стол» – от сўз туркуми) боғлиқ. Болалар ўқитувчига у ёки бу таснифни қандай ўзлаштирганликлари ҳақида ҳисоб берадилар. Абстракт, мавҳум ва назарий фикрлаш нисбатан мураккаб фикрлаш турининг кейинги босқичи бўлиб ҳисобланади (масалан: 1+1к).

4. Кичик ёшдаги ўқувчилар шахсининг ривожланиши

Ахлоқий меъёр ва қоидаларни ўзлаштириш. Мактабда бола доимий ва мақсадли назорат қилинувчи аниқ ва кенг ахлоқий талаблар тизимига дуч келади. Етти-саккиз ёшли болалар меъёр ва қоидалар моҳиятини аниқ тушунади ва уларни ҳар куни бажаришга психологик жиҳатдан тайёр бўлади. Лекин ўқитувчи бундан ҳар доим ҳам тўғри ва ўз вақтида фойдалана олмайди. Ўқувчини кичкина деб ҳисоблайди ва ҳоказо. Шунинг учун ўқитувчида аниқ ва равшан тарбия тизими бўлиши керак.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг ўзаро ва ўқитувчи билан муносабатлари. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари ўзаро муносабатининг ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг дўстлиги, одатда, ташқи ҳаётий шарт-шароитлар умумийлигига ва тасодифий қизиқишларга асосланади (болалар бир партада ўтиришади, саргузаштли адабиётга қизиқишади ва бошқалар). Ўқитувчи фикри кичик мактаб ўқувчиси учун муҳим ва қатъийдир. Кичик мактаб ўқувчилари унинг мавқеини сўзсиз тан оладилар. Улар барча масалалар юзасидан ўқитувчига мурожаат қилишади.

5. Эмоциялар ва уларнинг кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида ривожланиши

Худди бошқа психик жараёнлар каби болалар эмоциясининг умумий хусусиятлари ҳам ўзгаради. Кичик мактаб ёши давомида эмоцияларни намоён этишда ўзини тийиб туриш кераклигини англаш кузатилади. Эмоционал ҳолат барқарорлашувининг ортиши - психик жараёнлар унумдорлигининг шаклланишидир. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари каттароқ ўқувчилар, шунингдек, ўсмирларга нисбатан анча вазминроқ.

V БЎЛИМ

ЎСМИРЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Бола ривожланишида ўсмирлик даврининг ўрни ва аҳамияти

Ўсмирлик даври чегаралари тахминан 5-8-синфга тўғри келади ва 11-12 ёшдан 14-15 ёшгача бўлган даврни қамраб олади, лекин ўсмирлик ёшига ўтиш 5-синфга ўтиш билан мос тушмаслиги ва бир йил олдин ёки кейин содир бўлиши мумкин.

Ўсмирлик даврининг алоҳида вазияти унинг номларида ифодаланади: «ўтиш», «кескин ўзгарувчан», «мушкул», «танқидий». Уларда бу ёшда содир бўладиган ривожланиш жараёнларининг мураккаб ва муҳимлиги қайд этилган. Бу ҳаётнинг бир давридан бошқасига ўтиш билан боғлиқ. Инсон ривожланишининг барча йўналишлари бўйича (жисмоний, ақлий, руҳий, ахлоқий, ижтимоий) катта сифат ва миқдорий ўзгаришлар рўй беради.

Ўсмир шахси ривожланишнинг муҳим омили – унинг шахсий фаоллиги – шахсият, ўзини эътироф этиш ва аниқлаш жараёни фаол кечади – бироқ бу жараён бир текис эмас.

Бир томондан ўсмирларда «катталиқ» намоён бўла бошлайди, бошқа томондан эса ҳали «болалиқ» қолади. Ўсмирларнинг ривожланишининг умумий йўналишлари турлича бўлиши ва ҳар бир йўналиш кўплаб вариантларга эга бўлиши мумкин. Бу масала муҳим педагогик аҳамиятга эга.

2. Ўсмир организмнинг ўзгариши

Ўсмирлик ёшида муҳим ўзгаришлар рўй беради, улар организмнинг жисмоний ўсиш ва биологик вояга етиши билан боғлиқдир.

Муסיқий тарбияда бу ёш овоз аппаратининг мутацияси даври билан боғлиқ. Овоз аппарати йириклашади, овоз йўлроқ, пастроқ бўлиб боради. Шунингдек, овоз бузилишлари ҳам шу даврга хосдир. Бу ёшда овоз аппаратининг ҳаддан ортиқ тесситурасидан қочиб, вокал репертуари танловига эҳтиёткорона ёндашиш лозим.

Организм ўсишидаги сакрашлар, эндокрин тизимдаги ўзгаришлар, гипофиз фаолиятидаги фаоллик, жинсий вояга етиш, юрак, мушак, бутун организмнинг мустаҳкамланиши инсоннинг психик, ақлий ва руҳий ўсишида муҳим ўзгаришларга олиб келади.

Шунга қарамай, ўсмирлик давридаги «танглик»ни тушунтиришдаги назарий фикрлар тараққиёти шундай умумлашмани юзага келтирадики, унга кўра, ўсмирлик даврининг намоён бўлиши ва ўтиши ҳаётдаги ижтимоий шарт-

шароитлар, ўсмирнинг ривожланиши, унинг катталар оламидаги мавқеига боғлиқ.

3. Ўсмирлик даврига ўтишда шахсдаги марказий шаклланиш

Ўзини энди бола эмас, катта деб ҳис қилиш, катта бўлишга ҳаракат қилиш ўсмир шахсиятидаги марказий ва специфик янгилик ҳисобланади. Катталиқ ҳисси деб аталувчи хусусиятнинг ўзига хослиги шундаки, ўсмир ўзининг бола эканлигини инкор этади. Гарчи атрофдагилар уни катта деб эътироф қилишини истаса-да, ўсмирда ҳали унда ҳақиқий ва тўлақонли катталиқ ҳисси йўқ.

Специфик янгидан шаклланиш сифатида катталиқ ҳисси – шахснинг асосий хусусиятидир. Чунки у ўсмирнинг ўзига, одамлар ва дунёга муносабатида янги ҳаётий нуқтаи назарни ифодалайди, унинг ижтимоий фаоллиги, бир меъёр ва қадриятлардан бошқасига – болаларникидан катталарникига мослашишдан иборат специфик йўналишни белгилайди.

Ўсмирнинг катталарга ўхшашга уриниши ташқи томондан улар каби бўлиш, катталар ҳаёти ва фаолиятининг айрим тарафларига қўшилишда катталар хислатлари, малакалари, хулқлари, мавқеларини ўзлаштиришга ҳаракат қилишида намоён бўлади.

4. Ўсмирлар ва катталарнинг ўзаро муносабатлари

Ўсмирнинг янги ҳуқуқларга даъвоси, аввало, катталар билан ўзаро муносабатларнинг бутун муҳитига оид бўлади. Ўсмир аввал бажонидил бажарадиган талабларга энди қаршилиқ кўрсата бошлайди: унинг мустақиллигини чеклашганда, васийлик қилишганда, йўналтиришганда, назорат қилишганда, кулоқ солишни талаб қилишганда, жазолашганда, унинг қизиқишлари, муносабат-лари ва фикрлари билан ҳисоблашишмаганда у хафа бўлади ва норозилик билдиради. Ўсмирда ўз қадрини билиш ҳисси пайдо бўлади ва у ўзини камситиш, мустақиллик ҳуқуқидан маҳрум қилиш мумкин бўлмаган инсон, деб билади. Болаликдаги катталар билан муносабат тури ўзгаради, унинг ўз катталиги даражаси ҳақидаги тасаввурлари билан мос келмай қолади. У катталар ҳуқуқини чеклайди, ўзиникини эса кенгайтиради. катталарнинг шахси ва инсонийлик қадрини ҳурмат қилишларини хоҳлайди, ишонч ва мустақиллик намоён этишга даъво қилади, яъни катталар билан маълум тенгҳуқуқлилиқка ва уларнинг шу нарсани тан олишига эришишга ҳаракат қилади.

Катталар билан муносабатларнинг янги меъёрлари – ўсмирнинг этик дунёқарашини шакллантирувчи муҳим асосдир.

Агар катталарнинг ўзлари ташаббус кўрсатса ёки ўсмирнинг талабларини ҳисобга олиб, унга нисбатан муносабатини ўзгартирсагина, янги турдаги муносабатларга ўтишнинг мақбул шакли юзага келади.

5. Ўсмирнинг дўстлари билан мулоқоти

Тенгдош болаларнинг принципиал тенглик ҳолати мазкур муносабатлар муҳитига нисбатан ўсмирда алоҳида қизиқиш уйғотади, бу ҳол ўсмирда юзага келадиган шахсий катталиқ ҳиссининг этик мазмунига мос келади. Ўсмирда катталарга нисбатан тенгдошларига кўпроқ тушунарлироқ ва яқинроқ бўлган қадриятлар шаклланади. Катталар билан мулоқот тенгдошлар билан мулоқотнинг ўрнини боса олмайди.

Ўсмир учун тенгдошлар билан мулоқот у мустақил ҳаракат қилган ўзининг шахсий муносабатлари муҳитига ажралади. У бунга ҳаққим бор, деб ўйлайди, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва айнан шунинг учун ҳам катталарнинг ўринсиз, кўпол аралашуви хафагарчилик ва норозиликка олиб келади.

Ўсмирда бир томондан тенгдошлар билан мулоқот қилиш ва ҳамкорликдаги фаолиятга интилиш яққол намоён бўлади. Жамоа ҳаёти билан яшаш, яқин ўртоқлар, дўстга эга бўлиш хоҳиши – дўстлар томонидан қабул қилинган, тан олинган, ҳурмат қилинган бўлишдек кучли хоҳишдир. Бу муҳим талабга айланиб боради.

Ўсмир учун энг ёқимсиз вазият – жамоа ва ўртоқларининг норозилиги, мулоқот қилишни истамаслик, энг оғир жазо эса – очик ёки ноошкор алоқа узиш, гаплашмасликдир.

Ўсмирлар дўстлик кодексининг муҳим меъёрлари – шаънини ҳурмат қилиш, тенглик, содиқлик, дўстга ёрдам, тўғри сўзлик.

Дўстлик меъёрларини эгаллаш боланинг ўсмирликдаги муҳим ютуғидир.

6. Ўсмирнинг ўқув фаолияти

Мактаб ва ўқиш ўсмир ҳаётида катта ўрин эгаллайди. Лекин ўқишнинг муҳим ва зарурлигини англаганлигига қарамай турли болалар бу масалага ҳар хил қарайди. Кўпчилик учун мактабнинг қизиқарлилиги тенгдошлар билан кенг мулоқот қилиш имконияти туфайли ортади, лекин ўқишнинг ўзига бундан кўп зарар етади. Ўсмир учун дарс – фақат 45 дақиқалик ўқув эмас, балки кўплаб муҳим ҳаракатлар, баҳолар, кечинмалар билан бойиган синфдошлар ва ўқитувчи билан мулоқот вазияти ҳамдир.

Ўрта мактабга ўтиш билан ўсмирларнинг ўқиши сезиларли даражада мураккаблашади: битта ўқитувчи ўрнига беш–олтита янгиси пайдо бўлади, уларнинг тушунтириш ва сўраш усули ҳам, ўқувчиларга талаб ва муносабати ҳам ҳар хил. Бунинг устига ўқитувчилар уларни аввалига яхши билмайдилар, натижада «севимли» ва «севимли бўлмаган» ўқитувчилар пайдо бўлади.

Ўсмирлар билимдон ва талабчан, лекин материални қизиқарли ва аниқ тушунтириб берадиган, дарсни бир меъёрга ташкил эта оладиган, унга жалб қила оладиган, дарсни ҳар бир ўқувчи учун максимал даражада унумли эта оладиган адолатли, оққўнгил ва маданиятли ўқитувчиларни ёқтирадилар.

Ўрта синфларда ўқувчилар фанлар асосини ўрганиш ва ўзлаштиришга киришадилар. Болалар катта ҳажмдаги билимларни эгаллаши керак бўлади. Ўсмирлик ёшининг охирига келиб эса, улар ўзларининг бўлуси касби ва, умуман, келажаклари ҳақида ўйлай бошлайдилар.

VI БЎЛИМ

ЁШЛИК ПСИХОЛОГИЯСИ

1. Ёшлик тушунчаси ва унинг ёш чегаралари

Ёш психологиясида ёшлик одатда жинсий вояга етиш билан бошланиб, катталикнинг бошланиши билан якунланувчи ривожланиш босқичи сифатида белгиланади. Бундаги биринчи чегара – физиологик чегарадир. Иккинчиси эса – ижтимоий. Бу ёш даври мураккаб ва кўпқиррали.

Ёшликни индивид (физиологик, биологик хусусиятлар ва ўзгаришлар) ёки шахс (ижтимоий ва психологик жараён) сифатида инсон ривожланишининг ички жараёнлари нуқтаи назаридан тадқиқ этувчи кўплаб ёшлик назариялари мавжуд.

Замонавий фаннинг фикрича, ёшлик муаммосини ривожланиш омиллари ва ички қонуниятларини инобатга олган ҳолда комплекс, ҳар томонлама ўрганиш керак. Бу жуда қийин, негаки психологик ривожланиш суръати ва босқичлари ҳар доим ҳам ижтимоий вояга етиш муддати билан мос келавермайди. Акселерация натижасида бугунги болаларнинг жисмоний ривожланиши бир-икки авлод олдингилардан икки йилга тезлашган. Акселерация билан боғлиқ тарзда ўсмирлик ёши чегаралари «яшарди» у 14 – 14,5 ёшдаёқ якунланади. Шунга мувофиқ тарзда ёшлик ҳам эртароқ бошланади.

Юқоридагиларга асосланиб, илк ёшликнинг қуйидаги ёш чегараларини белгилаш мумкин – бу 14,5–17 ёш.

2. Жисмоний ривожланиш

Эрта ёшлик – инсон жисмоний ривожланишининг якунланиш даври. Тананинг бўйига ўсиши ўсмирлик ёшига нисбатан секинлашади. Қизлар 16–17 (фарқ 13 ой) ёш орасида, йигитлар 17–18 ёш орасида (фарқ 10 ой) тўла бўйга етадилар. Болалар қизлардан вазн бўйича биров ортда қолиши ўрнини қоплайдилар. Мушаклар кучи жуда тез ортади: 16 ёшли бола бу жиҳатдан 12 ёшли боладан деярли икки баробар устунлик қилади. Ўсиш якунлангандан сўнг тахминан бир йилдан кейин одам катталарга хос нормал мушак кучига эришади. Кўп нарса, албатта, тўғри овқатланиш ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга боғлиқ. Айрим спорт турларида эрта ёшлик – максимал ютуқлар давридир.

Кенг тарқалган тушунчаларга қарамай, жисмоний вояга етиш муддати ирқий ва миллий хусусиятлар ҳамда иқлимга боғлиқ эмас. Лекин овқатланиш сифатидаги тафовутлар ва бошқа ижтимоий-иқтисодий омилларнинг таъсири

бор. Бундан ташқари ўрта статистик меъёрларнинг индивидуал-физиологик меъёрлар билан мос тушмаслигини назарда тутиш жуда муҳим. Айрим тўла нормал ёшлар ривожланишда статистик муддатлардан жуда ўзиб кетадилар ёки ортда қоладилар.

3. Ривожланишнинг ижтимоий вазияти

Ёш йигит бола ва катта ёшдаги одам ўртасидаги оралиқ ҳолатда туради. Ёш фаолиятининг мураккаблашиши билан ёшларда нафақат ижтимоий рол ва қизиқишлар доирасининг миқдорий кенгайиши, балки уларнинг сифат ўзгариши ҳам рўй беради. Унда катталарга хос роллар, улардан келиб чиққан ҳолда мустақил жавобгарлик меъёри пайдо бўлади. Кўпчилик бу ёшда аллақачон меҳнат фаолиятини бошлайди, ҳамма касб танлашни ўйлайди ва ҳоказо. Бироқ катталар мавқеи элементлари билан бир қаторда ёшларда ҳали унинг ҳолатини бола ҳолати билан яқинлаштирувчи тобелик белгилари сақланади. Моддий жиҳатдан ҳали юқори синф ўқувчиси ота-онаси қарамоғида бўлади. Мактабда бир томондан унинг катталигини эслатиб туришса, бошқа томондан доимо бўйсуннишни талаб қилишади.

15-17 ёшли йигит ва қизлар мактаб ўқувчиси бўлган ёшлардан фарқли равишда, коллеж талабалари ҳам бўлиши мумкин. Айрим ёшлар ўқиш билан ишлаб чиқариш меҳнатини биргаликда олиб борадилар. Бу тафовутлар унинг психологиясида акс этади ва тарбиячилар томонидан эътиборга олиниши шарт.

4. Психологик хусусиятлар

15-16 ёшли одамнинг умумий ақлий қобилиятлари, одатда, аллақачон шаклланиб бўлади ва уларнинг болаликдагидек тез ўсиши кузатилмайди. Бироқ улар мукамаллашишда давом этади. Мураккаб интеллектуал операцияларни эгаллаш ва тушунчалар апаратининг бойиши йигит ва қизларнинг ақлий фаолиятини мустаҳкамроқ ва самаралироқ қилади, бу эса уларни катталар фаолиятига яқинлаштиради. Айниқса, махсус қобилиятлар тез ривожланади.

Ўз-ўзини англаш. Ўзининг психик хусусиятларини англаш ва ўз-ўзини баҳолаш ёшлар ва ўспиринларда янада катта аҳамият касб этади. Ёшлар ва ўспиринлар ҳаётда ўз ўрнини топишга киришишади – шахс хусусиятлари актив шаклланади. Ёшлар ўзларини англашдек мураккаб муаммони ёлғиз эмас, ота-она, тенгдошлар, ўқитувчилар билан мулоқотда, уларнинг қўллаб-қувватлашлари остида ҳал қилади.

Эмоционал, ахлоқий қадриятлар, йўл топиш соҳасида ўспиринлар ўз ҳуқуқлари ва мустақиллигини ҳимоя қиладилар. Баъзан улар фақат оригиналликка даъвогарлик учунгина атайлаб кўрслик қилишади. Аслида ота-она таъсири устунлигича қолаверди. Авлодлар ўртасидаги фарқ мода, дид,

кўнгил очиш усуллари каби нисбатан юзаки масалаларда жуда сезиларлидир. Лекин анча теран масалалар – сиёсий қарашлар, дунёқараш, касб танлашда ота-она мавқеи аҳамиятлироқ бўлади ва, одатда, тенгдош-ўртоқлар таъси-ридан устунлик қилади.

Жамоа ҳаётининг аҳамияти ўсиб бориши билан бир қаторда, эрта ёшликда индивидуал интим дўстликка талаб кескин кучаяди. Ёшликдаги дўстлик интимлик, эмоционал илиқлик, самимиятни биринчи ўринга олиб чиқади. Ўз-ўзини англашнинг ривожланиши ва унга хос бўлган зиддиятлар енгиб бўлмайдиган «кўнгил изҳори» талабини уйғотади. Худди мана шундан дўстни худди ўзидек *alter ego* (бошқа «мен») тушуниш пайдо бўлади. Бундай эҳтиёж айнан эрта ёшликда пайдо бўлади.

Севги. Ўғил бола ва қиз бола ўртасида ўспиринликда чекланган ўзаро муносабатлар эрта ёшликда сезиларли даражада фаоллашади. Дастлабки жиддий қизиқиш, севги ва чуқур ҳиссиётларга катта эҳтиёж пайдо бўлади.

Эрта ёшлик – дунёқарашнинг шаклланишида ҳал қилувчи ёш. Албатта, дунёқараш асослари анча илгари - болаликда қурилади. Лекин фақат ёшликдагина шахс сифатларининг анча юқори даражада шаклланишига асосланиб, дунёга нисбатан муносабатни аниқлаш мумкин. Умумий дунёқараш тушунчалари режаларда ҳаётийлашади ва аниқлашади. Бироқ ёшлар уларга йиғилган билим-тажрибани етказиб берувчи катталар ёрдами ва раҳбарлигига доимо муҳтож бўладилар. Ёшлик хусусиятлари қанчалик инобатга олинса ва унинг фаолликка интилишига суянилса, тарбия ҳам шунчалик самарали бўлади.

VII БЎЛИМ

ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ

1. Ўрганиш моҳияти ва турлари

Ёш ўсиши жараёнида боладаги барча хулқ ва фаолият ўзгаришлари ўрганиш омиллари бўлиб ҳисобланади. Ўрганиш маълум бир мақсадга эришишга имкон берувчи фаолият ва хулқдаги ташқи (жисмоний) ва ички (психик) ўзгаришларни талаб қилади. Бошқача қилиб айтганда, ўрганиш ташқи ва ички фаолият (хулқ-атвор)даги мақсадга мувофиқ ўзгаришларда намоён бўлади.

Ўрганиш – бу фаолиятни мақсадга мувофиқ қатъий ўзгар-тиришдир. У аввалги фаолият натижасида юзага келади.

Ўрганишда тушунчаларни ифодалаш воситаси сифатида тил катта аҳамиятга эга. Сўзлар орқали ифодаланган тушунчаларни ўрганиш одамнинг бутун инсоният тарихий тараққиёти давомида тўплаган билимларини ўзлаштиришни англатади.

Предметли ҳаракатдан идеал ҳаракатга тасаввур ва тушунчалар билан ўтиш фикрлаш орқали амалга оширилади. У ҳар доим маълум бир масалани ҳал этишга қаратилади.

Шундай қилиб, инсоннинг тушунча ва ақлий ҳаракатларни ўзлаштириши уни фикрлашга ўргатишни ҳам талаб қилади.

Инсоннинг бутун фикрлаш (ақлий ва интеллектуал) фаолиятининг пировард мақсади ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаёт унинг олдида қўйган турли амалий масалаларни ҳал этишдан иборат. Амалий масалаларни ҳал этиш учун эса зарур малака керак бўлади, яъни тўлақонли интеллектуал ўрганиш малака билан бойитилади. Ўрганиш турли даражада ўтувчи мураккаб кўп поғонали: сенсорли (ҳис этиш), моторли (ҳаракатли), когнитивли (билиш) жараёндан иборат. Ўрганиш кузатиш асосида амалга ошади. Машқларни англаш ва ўз-ўзини назорат қилиш онгли равишда қўйилган мақсад ва вазифалар томонидан амалга оширилади.

2. Таълим ва ўқитиш психологияси

Ўрганиш стихияли бўлиши, инсоннинг бошқа одамлар, атроф-муҳит билан мулоқот ва ўзаро ҳаракати натижасида юзага келиши мумкин. Лекин, билим ва малакани табиий эгаллаш билан бир қаторда, ўрганиш кўп ҳолларда мақсадга йўналтирилган ҳолда махсус ташкил этилган шароитларда амалга ошади. Бундай мақсадга йўналтирилган ўрганишни ташкил этиш – **таълим** деб аталади. Унинг энг кенг тарқалган тури – мактаб таълими. Лекин кўплаб бошқа

муассасаларда ҳам таълим берилади, масалан, расм чизиш, мусиқа, ўз-ўзига хизмат қилиш кўникмалари ва бошқаларга болалар боғчасида ўргатилади. Таълим элементлари оилавий тарбияда кузатилади (жамиятда ўзини тўғри тутиш) ва ҳоказо.

Ўқув жараёнида билим, малака, кўникмалар пассив эмас, балки ўқитувчи ва ўқувчининг фаол иштирокида берилади. Таълимни ўрганувчи ва ўргатувчи орасидаги ўзаро фаол ҳаракат жараёни, деб тавсифлаш мумкин, бунинг натижасида ўрганувчида маълум бир билим, малака ва кўникмалар шаклланади. Бу жараёни бошқариб, сифатли қилиш, натижада энг самарали даражага эришиш педагогика фанининг (назария, методика ва амалиёт) асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Таълим муаммоларини тўғри ҳал этиш, ўқиш маълум даражада мажбурий хусусиятга эгаллиги ва асосий мақсад йўлида энгиб ўтиш керак бўлган тўсиқ сифатида намоён бўлиши билан ҳам боғлиқ. Бу вазият учун қарши курашувчи кучларнинг мавжудлиги ҳосдир. Умуман олганда, бу зиддиятли ҳолат ҳисобланади, шунинг учун у катта психик зўриқиш билан боғлиқ ички кучни ҳамда индивиднинг ўз-ўзи билан курашишини талаб қилади. Зиддият кескин бўлганда «вазиятдан чиқиш» тенденцияси (инкор, қийинчиликни четлаб ўтиш, невроз) юзага келади. Унда ўқувчи ўқишни ташлайди ёки «ўзини тутолмай қолади» – қоидаларни бузади, лоқайдликка тушади. Шунга ўхшаш ҳолат мактаб амалиётида кўп учрайди.

Таълимдаги муваффақиятли вазият - инсонни ўқишга ундовчи вазиятдир. Бунга фанларга қизиқиш, қизиқувчанлик, маданий даражани оширишга интилиш мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай мотивли вазиятлар ички зиддиятларга эга бўлмайди. Албатта, улар, шунингдек, ўқиш давомида учровчи қийинчиликларни энгиш билан боғлиқ ва ирода кучини талаб қилади. Лекин бу кучлар ўз-ўзи билан курашга эмас, ташқи тўсиқларни энгишга йўналтирилган. Бундай вазиятлар педагогика нуқтаи назаридан оптималдир. Уларни яратиш педагогиканинг муҳим вазифасидир. Улар ўқувчининг хулқини бошқаришни эмас, балки уни тарбиялашни, унинг мақсад, қизиқиш ва идеалини шакллантиришни талаб қилади.

3. Фаолиятда таълим тизими

Ўқув фаолияти мотивлари:

1. Ички манбалар билан боғланган (туғма, эришилган эҳтиёжлар).
2. Ташқи манбалар билан боғланган (ҳаётнинг ижтимоий шарт-шароитлари).
3. Шахсий манбалар билан боғланган (қизиқишлар, интилишлар ва бошқалар).

Таълим тузилиши:

1. Ташқаридан берилган ахборотни пасcив қабул қилиш ва ўзлаштириш.
2. Фаол тарзда ахборотни мустақил излаш, аниқлаш ва ундан фойдаланиш.
3. Ташқи томондан шакллантирилган ахборотни йўналтирилган ҳолда излаш, аниқлаш ва ундан фойдаланиш.

Ўқиш ва таълим ҳаракатлари турлари:

1. Таклид қилиш, сўзма–сўз ёки мантиқан қабул қилиш ва такрорлаш, тайёр намуна ва қоидалар бўйича машқ қилиш.
2. Савол ва вазифалар танлови, ахборот ва умумий тамойиллар кидируви, «ихтиёр» ва фаҳмлаш, ижодий фаолият.
3. Қўйилган вазифаларни ҳал этиш ва натижаларни баҳолаш, синов ва хатолар, тажрибадан ўтказиш, тушунчаларни танлаш ва қўллаш ҳамда бошқалар.

Мазкур таълим турларининг ҳар бири ўқувчи фаолиятини бошқаришда ўз усуллари, таълим концепцияси ва методларига эга. Шундай қилиб, биринчи тур - (тайёр билим ва малакаларни бериш)да – таълим концепцияси ўқитиш сифатида намоён бўлади. Унинг учун қуйидаги: хабар қилиш, тушунтириш, бериш, кўрсатиш методлари хос. Иккинчи тур (табiiй мустақил ўрганиш)да – таълим концепцияси рағбатлантириш сифатида акс этади. Унга хос методлар: қизиқиш, ҳайрат, қизиқувчанлик уйғотиш. Учинчи тур (онгли фаол йўналиши)да – таълим концепцияси раҳбарлик сифатида ифодаланади. Унга хос методлар: муаммо ва масалаларни қўйиш, муҳокама ва мунозара, ҳамкорликда режалаштириш ва бошқалар.

4. Кўникмаларга ўрганиш

Кўникма – автоматлаштириш (қисман автоматлаштириш) даражасигача олиб чиқилган ҳаракатдир.

Инсон ҳаракат ва фаолиятни онгли ёки онгсиз равишда амалга оширади. Одатда, ҳаракатларнинг якуний мақсади ҳамда уларнинг умумий хусусиятлари англонади. Бир тарафдан инсоннинг ҳеч бир ҳаракати охиригача автоматлашган бўлиши мумкин эмас (яъни онгдан чиқариб ташланган), негаки у охир оқибатда англонаган мақсад туфайли пайдо бўлади ва бошқарилади. Бошқа томондан, инсоннинг ҳар қандай ҳаракати сезиларли даражада онг иштирокисиз амалга ошувчи, турли фаолиятни бажаришни осонлаштирувчи кўникмалар туфайли қисман автоматлашади. Ҳаракатларнинг алоҳида томонларининг автоматлашиши уларнинг тузилишини ўзгартиради ва мукаммаллаштиради.

Кўникмалар ҳаракатларнинг мақсад ва шартларига эмас, уларни бажариш усулларига тегишли. Автоматлашиш онгни ҳаракатлар юзага келувчи моторли, сенсор ва интеллектуал операцияларни назорат қилишдан озод қилади. Бу маънода ҳаракатларни бажариш автоматлашиб қолади.

Кўникмаларга ўрганиш. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ўқувчини талаб этилаётган ҳаракатлар, уни режалаштириш шакллари билан батафсил дастлабки таништирув ҳаракатларни ўзлаштиришни ва уларга мос кўникмаларни шакллантиришни сезиларли даражада тезлаштиради. Ҳаракатларнинг бажарилиши сенсор ва интеллектуал фаолиятни тартибга солиш ва уларни назорат қилиш ташқи воситалари билан бошқарилса, натижалар янада яхшироқ бўлади. Бунда тегишли ахборотнинг ўқувчиларнинг шахсий нутқига кўчиши муҳим. Бу ерда қуйидаги усуллар муҳим: ўқув вазифасини ва уни бажариш режасини оғзаки сўзлаб бериш, хатоларнинг оғзаки таҳлили, ўз-ўзига аниқ ва раво нутқда ҳисобот бериш ва бошқалар.

5. Таълим жараёнига таъсир кўрсатувчи омиллар

Ўқув вазиятлари, таълим концепцияси, ўқув ва таълим фаолияти, мотивлари ҳамда ўқув манбалари турли-туман бўлса-да, барчаси қандайдир умумийликка эга. Уларнинг пировард мақсади – ўқувчининг кучини ниманидир ўрганишга йўналтириш. Агар ўқув мақсадига йўналтирилган ҳаракатнинг ўзи бўлмаса, унда ўқишнинг ўзи ҳам бўлмайди. Ёр қандай мақсадли ўрганишнинг мазкур универсал компоненти **ёдлаб олиш** деб аталади.

Ёд олишнинг биринчи шартини шундай таърифлаш мумкин: ўрганилиши ва ўзлаштирилиши зарур бўлган нарсa инсон томонидан ташқи ва ички оламдан қабул қилинадиган барча бошқа нарсалардан ажратиб олиниши керак. Қараш камлик қилади – кўриш керак, тинглаш камлик қилади – эшитиш керак. Ўқитувчининг тушунтирилиши билан бир пайтда бегона «шовқинлар» оқими ҳам мавжуд бўлади.

Психологик тажрибалар шуни кўрсатадики, инсон бир вақтнинг ўзида объектларнинг чегараланган доирасини (тахминан 5-9) қабул қилишга қодир. Қолган барчаси умумий хира фон сифатида акс этади ёки умуман англабмайди. Маълум бир маълумотни танлаш, қайта ишлаш ва фойдаланишда инсон шахсининг намоён бўлишини психологлар **кўрсатма** деб атайдилар. Шундай қилиб, ўқишга эътибор ва кўрсатма – ўқувчиларда психик ва амалий йўналтирилганликнинг (натижаларга, мақсадга ва ўқиш жараёнига) ташқи ифодасидир.

Ўқув материални ўрганишнинг ташқи омилларига қуйидагилар киради: ўқув материалнинг мазмуни, шакли, қийинчилиги, аҳамияти, англаниш даражаси, тузилиши, ҳажми, эмоционал хусусиятлари.

Агар ўқув материали асосий дастлабки сабаб, ички кўрсатма эса шарт-шароит бўлиб хизмат қилса, қайтариш ва машқ қилиш ўрганишнинг асосий **воситаси** бўлиб ҳисобланади. Улар ўзлаштирилган материални мустаҳкамлаш, ёдда сақлаш, вазифани, уни бажаришнинг усул ва режаларини режалаштириш, вазифани бажаришда оғзаки ўз-ўзига тушунтириш, хатолар, уларнинг сабаблари ва тўғрилаш усуллариининг таҳлили ва бошқалар учун керак.

Кўникмаларга ўргатишнинг икки асосий йўли бор.

Биринчисида – сенсор фарқланишлар, яъни ҳиссий мўлжалларга таянишни ишлаб чиқиш асос сифатида қабул қилинади. **Иккинчисида** – моторли фарқлар, ҳаракат актлари кўникмаларга ўргатиш асоси сифатида қабул қилинади.

Мазкур концепцияларнинг ҳар бири педагогик назария ва мактаб амалиётида кенг қўлланади. Биринчи концепция синтетик мазмунли методикага эга (ўқишга ўргатишда сўзлар методи, хорижий тилларни ўргатишда контекст методи) мактабларга тавсия этилган. Ишлаб чиқариш таълимида у предметли тизим сифатида намоён бўлади. Иккинчи концепция элементли расмий таҳлилий методикада ифодаланади (ўқишга ўргатишда ҳарф-бўғин методи, хорижий тилларни ўргатишда луғат методи ва шунга ўхшаш). Ишлаб чиқариш таълимида у операцион тизим сифатида намоён бўлади.

6. Таълим жараёнида билим ва тушунчаларнинг шаклланиши

Кўчириш (татбиқ этиш) – педагогик психологиянинг марказий масалаларидан биридир. Ўзлаштирилган фаолиятни янги масала-ларни ҳал этишга тўғри ва муваффақиятли татбиқ этиш хатоларни камроқ қилиш, янги фаолият турини тез ўзлатиришни англатади. Инсон ўзлаштирган фаолиятини тўғри қўллай оладиган объектлар доираси қанчалик кенг бўлса, мавжуд кўникмалар асосида у ҳал қила оладиган масалалар доираси ҳам шунчалик кенг бўлади.

Оддийроқ қилиб айтганда, инсон ҳаракатларининг «кўчиши» қанчалик кенг ва аниқ бўлса, у шунчалик кўп нарса ўрганади, унинг ўқиш натижалари шунчалик сермахсул бўлади. Билим унга ўз фаолиятида шунчалик самарали ёрдам беради.

Билимларнинг шаклланиш асослари. Ҳаракатнинг янги объектга тўғри ва муваффақиятли «кўчиши» шартлари ва вазифалари кўп жиҳатдан билимга боғлиқ. Улар инсоннинг амалий ва англаш фаолияти учун муҳим бўлган ташқи оламнинг ўзига хос хусусиятини акс эттиради. Тегишли билимларнинг шаклланиши ва ўзлаштирилиши янги объект, вазият ва

масалаларга дуч келган инсоннинг мақсадга мувофиқ ва самарали ҳаракат қилиши учун дастлабки шартдир.

Билимлар шаклланишида ҳар хил фаолият турларининг роли турлича бўлади. Масалан, предметли фаолият (манипуляциялаш ва қайта жойлашиш) нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятларини «намоён этиш» учун, перцептив фаолият (қабул қилиш ва кузатиш) – хусусиятларнинг инсон идроки ва тасаввурларида акс этиши учун, тафаккур фаолияти (анализ ва синтез) – хусусиятларни таққослаш ва улар орасидан умумийларини ажратиш учун, нутқий фаолият (ифодалаш ва номлаш) – мазкур умумий хусусиятларни предмет-лардан мавҳумлаштириб ва тур белгилари сифатида умумлаштириб мустаҳкамлаш учун керак. Билим ўргатиш ўз ичига бир неча унсурларни олиши шундан келиб чиқади:

1. Ўқувчиларга намоёиш этиш ёки уларнинг ўзлари аниқлаши.
2. Кузатиш.
3. Таққослаш, қиёслаш, қарама-қарши қўйиш.
4. Мавҳумлаштириш.
5. Умумлаштириш.

7. Фикрлашга ўрганиш

Инсон тафаккури фаолиятда шаклланади. Шунинг учун ўқув амалиёти олдида ўқувчиларни **ақлий фаолият усулларининг ўзига** ўргатиш вазифаси қўйилади. Бу билан боғлиқ равишда ўрганиш бир вақтнинг ўзида билимнинг тўпланиши ва ундан фойдаланиш усулларини ўзлаштириш жараёни сифатида тавсифланади.

Усулларни ўзлаштириш, биринчидан, ўқувчиларнинг улар билан танишуви орқали, иккинчидан, машқлар – турли материалларда ақлий фаолиятнинг мос келувчи усулларини қўллаш орқали, учинчидан, кўчиш – янги масалаларни ҳал этиш учун усулларни татбиқ этиш орқали рўй беради.

Шундай қилиб, ақлий фаолиятнинг шаклланиш йўли тахминан шундай: усул мазмунини ўзлаштириш – мустақил равишда уни қўллаш – янги вазиятларга татбиқ этиш.

8. Ижодий тафаккурнинг шаклланиши

Инсонга ҳали ечилмаган масалаларни ҳал этиш имконини берувчи билиш жараёнлари **ижодий тафаккур** деб аталади. Унинг шакллари ва тузилиши ҳозирча номаълум. «Ойдинлашиш», «илҳом» каби сўзлар ижодий тафаккурнинг биринчи босқичида ҳали инсонда шаклланмаган тушунча ва мантикий операциялар шаклида содир бўладиган фактларни тавсифлайди, холос. Бу сўзлар, шунингдек, ижодий тафаккур натижаси фақат маълум

тасаввур, тушунча ва операцияларни қўллаш эмаслигини, балки янги образлар, тушун-чаларни ҳал этишнинг янги усуллари яратишни ҳам билдиради. Шундай қилиб, ижодий тафаккур кўп жиҳатдан ижодий тасаввурга яқинлашади ва ҳатто уйғунлашади.

Ижодий тафаккур учун асосийси – «қолип»дан чиқиш, воқеликни фақат одатий тушунча ва тасаввурлардагидек эмас, балки ҳар жиҳатдан атрофлича камраб олишдир.

Ижодий тафаккур мантиқ доираси билан чегараланмаган ва шунинг учун нарсалар ҳақидаги тасаввурларнинг ҳар қандай, энг ноодатий, фантастик ўзаро муносабатлари, бирлашуви ва қайта яралишига йўл қўяди. Фантазиясиз ижод йўқ.

9. Малакани ўргатиш

Умумий психологиядан маълумки, мавжуд маълумотлар, билимлар ёки тушунчалардан фойдаланиш, уларни нарсаларнинг моҳиятини аниқлашда қўллаш, маълум бир назарий ва амалий масалаларни муваффақиятли ҳал қила олиш қобилияти **малака**, яъни мавжуд билим ва кўникмалардан тўғри ва самарали фойдаланиш, деб аталади.

Кўпинча ўқувчиларнинг ўзлаштирилган тушунчаларни аниқ масала ечимига қўллаши қийин бўлади. Бу ҳолатда тушунчалар фаолият ва англаш воситасига айланмайди. Улар кераксиз юк бўлиб қолади, амалиёт билан боғланмайди, малака асоси бўлиб шаклланмайди.

Билим ҳаракат ва малакани тўғри танлашда асос бўлиб хизмат қилиши учун: 1) нарса билимга мувофиқ тушиши, 2) зарурат бўлиши, ҳаракат ўз ечимини топиши керак.

Малаканинг шаклланиш шартлари. Малаканинг муҳим унсури – вазифа турини билиб олиш, унинг ечими учун зарур бўлган вазифа таркибий қисми ва муносабатларини аниқлашдир. **Малаканинг шаклланиши.** Мавжуд билим, кўникмалар асосида янги ҳаракатлар амалга ошириладиган пайтдаги ечим ва фаолиятнинг ўзгинаси. Бу ҳаракат натижасида янги билим ва кўникма шаклланади.

VIII БЎЛИМ

ТАРБИЯ ПСИХОЛОГИЯСИ

1. Тарбия психологияси ҳақида умумий тушунчалар

Тарбия ҳар қандай жамиятнинг табиий, муҳим вазифасидир. Тарбия психологияси ўрганадиган муҳим масалалар қаторига онтогенезда шахс шаклланишининг асосий манбалари, қонуниятлари, босқичлари, шартлари, механизмлари ва хусусиятларининг намоён бўлишини киритиш мумкин. Мазкур масалалар ўсаётган инсон фаолияти, онги ва шахсининг туб муаммолари ривожланиши доирасида тадқиқ этилади. Тадқиқотчиларни бир неча масаланинг ечими қизиқтиради.

1. Шахсни фаол мақсадли шакллантириш иложи борми?

Бу ерда шахс моҳияти ва, асосан, ижтимоий ва биологик ибтидоларга нисбатан олимларнинг қарашлари аниқ чегараланади.

2. Шахснинг ахлоқий-руҳий муҳитини шакллантиришнинг қонуниятлари ва механизмлари қандай?

Бу ерда жамият роли, фуқароликнинг умуминсоний, маънавий қадриятлари, инсонпарварлик, меҳнат, маданият, билим, маънавиятга муносабат ҳақида сўз юритилади.

3. Шахс шаклланиши жараёнига таъсир қилиш тизимини ўрганиш ва ташкил этиш асослари ва шартлари қандай?

Бу ерда психологик ривожланишнинг ёш бўйича даврлаштирилиши ва ҳар бир даврга хос етакчи фаолият турлари кўриб чиқилади.

4. Тарбиявий жараённи ташкил этишнинг оптимал шакллари, шарт ва воситалари қандай?

Тарбия психологияси педагогик жараённи мақсадли ташкил этиш шароитида инсоннинг шахс сифатида шаклланиши психологик қонуниятларини ўрганади.

Онтогенезда шахс мақсадли шаклланишининг маълум бир қонунларининг ўрнатилиши болалар тарбиясининг илмий асослари қурилишини таъминлайди ва шу билан биргаликда психологик назарияларнинг ривожланиш базасини ташкил этади.

Психологик билимларнинг асосий соҳаси сифатида психологик тарбиянинг бош ташкилий жиҳати – бу онтогенезда шахснинг мақсадли фаол шаклланиши мумкинлиги ҳақидаги қоидадир.

IX БЎЛИМ

ЎҚИТУВЧИ ПСИХОЛОГИЯСИ

1. Ўқитувчи шахсининг психологик-педагогик хусусиятлари ва талаблар

Ўқитувчи психологияси таълим, тарбия ва ўқувчиларни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик фаолият жараёнида намоён бўлади, шаклланади ва ўзгаради.

Педагогик фаолият – инсон меҳнатининг энг мураккаб ва масъулиятли соҳаларидан бири. Бундан келиб чиқиб, жамият ўқитувчининг шахсий ва касбий хусусиятларига юксак талабларни қўяди: юксак касбий маҳорат, ғояга садоқат, маънавийлик, онглилик, ижтимоий масъулият, ўзини тута билиш, босиқлик, олижаноблик, ақлий мукамаллик, поклик, яъни жамият болаларда гавдалантиришни истаган ахлоқий, рухий ва интеллектуал идеалга мувофиқлик.

Жамиятнинг ўқитувчи касбий хусусиятига асосий талаблари қуйидагича таърифланиши мумкин:

- назарий билимларни эгаллаш;
- турли билимлардан хабардорлик;
- ёш, педагогик ва ижтимоий психология, педагогика, физиология, мактаб гигиенасини яхши билиш;
- ўқитаётган фанини, фанга оид янги ютуқлар ва тенденцияларни билиш;
- таълим ва тарбия методикасига эга бўлиш;
- ишга муҳаббат, болаларда иштиёқини уйғота олиш қобилияти;
- ишга ижодий муносабатда бўлиш;
- болаларни билиш, уларнинг ички дунёсини тушуна олиш, педагогик оптимизм;
- педагогик техника (мантик, нутқ, мулоқотнинг ифодали воситалари ва бошқалар) ва педагогик маданиятга эга бўлиш;
- билим ва педагогик маҳоратни мунтазам мукаммаллаштириб бориш.

2. Ўқитувчининг педагогик қобилияти

Болаларга меҳр - ўқитувчининг муҳим шахсий ва профессионал хусусиятидир. Усиз самарали педагогик фаолият йўқ.

Ўқитувчи ўқувчилар ҳаёти ва фаолиятининг ташкилотчиси бўлиши, ҳар бир боланинг психологиясини яхши билиши ва ўзи ҳам етарлича педагогик қобилиятга эга бўлиши керак.

Педагогик қобилият – ўқитувчи шахсининг маълум бир психологик хусусиятлари бўлиб, болаларга таълим бериш ва уларни тарбиялашда юқори натижаларга эришиш шартидир.

Ўқитувчи ўқувчиларини, уларнинг ўзаро муносабатларини баробар қабул қилиш ва кўриш қобилиятини доимо мукаммаллаштириши зарур, ўзининг улар билан муносабатларини айти пайтда қандай бўлса шундай, яъни ўқув–тарбиявий жараёнда содир бўлаётган воқеаларни ташқи таъсир эмас, балки ички сабаб натижасида қабул қила олиши зарур. Бу осон эмас. Гап шундаки, ўқитувчи ўқувчиларга муносабатда ҳар доим ташқи позицияда қолади, ҳар доим у ёки бу даражада улардан, уларнинг ҳаёти ва фаолиятидан четда туради, ваҳоланки, у буларнинг ташкилотчи-сидир.

Ўқитувчи учун зарур бўлган бошқа сифатлар орасидан яна педагогик тактни, маданиятни ажратиб кўрсатиш мумкин. Ўқитувчидан ёшларнинг мураббийи сифатида адекват, тўғри қабул қилиш ёки ижтимоий умидларга мос хатти-ҳаракат қилиш талаб этилади.

Шунингдек, мустақил ўқиш, педагогик жамоа ва бошқаларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилд. Т., 1987-2003.
2. Антология педагогической мўсли Узбекистана /Сост. С.Р.Раджабов, К.Х.Хашимов и др. М., 1974.
3. Апраксина О.А. Методика музўкального воспитания в школе. М.,1983.
4. Бабанский Ю.К. Оптимизация учебно-воспитательного процесса. М., 1982.
5. Белобородова В.К., Ригина Г.С., Алиев Ю.Б. Музўкальное восприятие школьников. М., 1975.
6. Бобур З. Бобурнома. Т., 1960.
7. Божович Л.И. Личность и ее развитие в детском возрасте. М., 1968.
8. Ветлугина Н.А. Музўкальное развитие ребенка. М., 1968.
9. Вўготский Л.С. Мўшление и речь. Проблемў психологического развития ребенка / В кн.: Избр. психол. исслед. М., 1956.
10. Гельмгольц Г. Учение о слуховўх охўхениях как физиологическая основа для теории музўки. Спб.,1875.
11. Давлетшин М.Г. ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология: ўкув методик кўлланма. Т., 2004.
12. Ёш ва педагогик психологияси / А.В.Петровский тахрири остида. Т., 1989.
13. Золтан Кодай. Избраннўе статьи / Сост. И.И.Мартўнов. М., 1982.
14. Измайллов А.Э. Народная педагогика: Педагогические воззрения народов Средней Азии и Казахстана. М., 1991.
15. Кабалевский Д.Б. Педагогические размўшления. М., 1986.
16. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури// «Баркамол авлод орзуси» китобида. Т., 1997.
17. Кароматов Ф.М. Ўзбек чолғу мусиқаси. Т., 1972.
18. Крутецкий В.А. Психология обучения и воспитания школьников. М., 1976.
19. Лагутин А.И. Основў педагогики музўкальной школў. М., 1985.
20. Лейтес Н.С. Умственнўе способности и возраст. М., 1971.
21. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. М.,1975.
22. Леонтьев А.Н. Проблемў развития психики. М., 1972
23. Музўкальное воспитание в Венгрии. М., 1983.
24. Музўкальное воспитание в современном мире. М., 1973.
25. Музўкальное воспитание в школе: Сб. статей. Вўпуск 1-17 / Сост. О.А.Апраксина. М., 1961-1986.
26. Мухина В.С. Психология дошкольника. М.,1975.
27. Назаров А.Ф. Фаробий ва Ибн Сино мусиқий ритмика хусусида (мумтоз ийқоъ назарияси). Т., 1995.
28. Нишоновa Э.Т. Болалар психик тараққиети муаммолари бўйича психологик маслахатлар бериш. Т., 1997.
29. Нишоновa Э.Т. Болалар психодиагностикаси. Т., 1998.

30. Педагогика / Ю.К.Бабанский таҳрири остида. Т., 1993.
31. Педагогика тарихидан хрестоматия / Тузув-муал. О.Хасанбаева. Т., 1992.
32. Петрушин В.И. Музыкальная психология. М., 1997.
33. Ринкявичус З. Воспринимают ли дети полифонию. Л., 1979.
34. Сеченов И.М. Рефлекс головного мозга. М., 1961.
35. Система детского музыкального воспитания Карла Орфа. М., 1970.
36. Таълим ҳақидаги Қонун // «Баркамол авлод орзуси» китобида. Т., 1997.
37. Теплов Б.М. Психология музыкальных способностей. (В кн.: Избранные труды. Т.1. М., 1985.
38. Умуний психология / А.В.Петровский таҳрири остида Т., 1989.
39. Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Т., 1993.
40. Хайруллаев М.М. Форобий ва унинг фалсафий рисолалари. Т., 1963.
41. Хрестоматия по возрастной и педагогической психологии. 1.2.кн. (Под ред. И.И.Ильсова, В.Я.Ляудис. М., 1980, 1981.
42. Хрестоматия по психологии / Сост. В.В.Мироненко. М., 1987.
43. Шашмаком. 6 жилд / Тўпловчи ва нотага оловчи Ю.Ражабий, Ф.Кароматов ва И.Ражабов кириш сўзи. Т., 1966-1975.
44. Эльконин Д.Б. Психология игры. М., 1978.
45. Юзбашан Ю.А., Вейс П.Ф. Развитие музыкального мышления младших школьников. Ереван, 1983.
46. Ўзбек халқ мусиқаси. 9 жилд / Тўпловчи ва нотага оловчи Ю.Ражабий (1-5-жилд), М.Юсупов (6,7,9-жилд), О.Алимов (8-жилд). Т., 1955-1962.
47. Ўзбекистон педагогикаси антологияси (Тузув.-муал. К.Юшимов, С.Очил. Т., 1995.
48. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 1992.
49. Қодиров Б.Р. Синф зукколари танлаш методикаси (Ёш истеъдодларини излаймиз): Методик қўлланма. Т., 1998.
50. Ғозиев Э.Ғ. Психология (Ёш даврлари психологияси). Т., 1994.
51. Ғозиев Э.Ғ. Умуний психология: дарслик. I, II китоб. Т., 2002.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
I бўлим. Ёш даврлари ва педагогик психология фани предмети	
1. Ёш даврлари ва педагогик психология тарихидан	4
2. Педология танқиди	6
II бўлим. Психик ривожланиш ва таълим	
1. Психик ривожланиш шартлари	7
2. Таълим ва тарбия жараёнида бола психик ривожланишининг асосий йўллари	7
3. Таълим жараёнида болалар ривожланишининг педагогик шартлари ва қонуниятлари	9
4. Ёш бўйича ривожланишнинг даврийлаштирилиши	9
III бўлим. Гўдаклик ва мактабгача ёшнинг психологик хусусиятлари	
1. Гўдакликдаги психологик ривожланиш асослари ва хусусиятлари	11
2. Илк болалик ёши тавсифи	11
3. Болалар ва катталар. Бола шахси шаклланишининг дастлабки босқичи	13
4. Боланинг мактабгача ёшда ривожланишининг психологик хусусиятлари	14
IV бўлим. Кичик мактаб ёшида психологик ривожланиш	
1. Кичик мактаб ёшининг умумий тавсифи	16
2. Кичик ёшдаги ўқувчининг ўқув фаолияти	16
3. Кичик ёшдаги ўқувчиларда англаш жараёнининг ривожланиши	17
4. Кичик ёшдаги ўқувчилар шахсининг ривожланиши	19
5. Эмоциялар ва уларнинг кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида ривожланиши	19
V бўлим. Ўсмирларнинг психологик хусусиятлари	
1. Бола ривожланишида ўсмирлик даврининг ўрни ва аҳамияти...	20
2. Ўсмир организмнинг ўзгариши	20
3. Ўсмирлик даврига ўтишда шахсдаги марказий шаклланиш.....	21
4. Ўсмирлар ва катталарнинг ўзаро муносабатлари	21
5. Ўсмирнинг дўстлари билан мулоқоти	22
6. Ўсмирнинг ўқув фаолияти	22

VI бўлим. Ёшлик психологияси	
1. Ёшлик тушунчаси ва унинг ёш чегаралари	24
2. Жисмоний ривожланиш	24
3. Ривожланишнинг ижтимоий вазияти	25
4. Психологик хусусиятлар	25
VII бўлим. Таълим психологияси	
1. Ўрганиш моҳияти ва турлари	27
2. Таълим ва ўқитиш психологияси	27
3. Фаолиятда таълим тизими	28
4. Кўникмаларга ўрганиш	29
5. Таълим жараёнига таъсир кўрсатувчи омиллар	30
6. Таълим жараёнида билим ва тушунчаларнинг шаклланиши	31
7. Фикрлашга ўрганиш	32
8. Ижодий тафаккурнинг шаклланиши	32
9. Малакани ўргатиш	33
VIII бўлим. Тарбия психологияси	
1. Тарбия психологияси ҳақида умумий тушунчалар	34
IX бўлим. Ўқитувчи психологияси	
1. Ўқитувчи шахсининг психологик-педагогик хусусиятлари ва талаблар	35
2. Ўқитувчининг педагогик қобилияти	35
Адабиётлар	37